

**«Q'OYLIQ DEHQON BOZORI» AJ
КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ
МАЖЛИС БАЁНИ**

2019 йил 06 феврал

Тошкент шаҳри

Мажлисда катнашганлар:

Кузатув кенгаши раиси:

Ф.Нигманов - Бектемир тумани хокимининг биринчи уринбосари

Кузатув кенгаши аъзолари:

И.Алимов - Тошкент шаҳар хокимияти Котибият мудир

М.Турабеков - Тошкент шаҳар хокимияти бош мутахассиси

М.Каримов - “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК булим бошлиги

М.Кодиров

Т.Камолов - “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК булим бошлиги

Т.Иброхимов

Таклиф этилганлар:

Ш.И.Файзуллаев - жамиятнинг директори в.б.

Ш.Исломов - жамиятнинг бош мухосиб

О.Ким - жамиятнинг мутахассиси

Кузатув кенгаши раиси Ф.Нигманов сўзга чиқиб, йиғилишни очик деб эълон қилди ва кун тартибига киритилган масала билан таништирди.

КУН ТАРТИБИ

“Куйлик деҳқон бозори” АЖ ижроия органи раҳбари лавозимига эълон қилинган танлов яқунларининг муҳокамаси.

Кун тартибига киритилган масала юзасидан йиғилиш раиси сўзга чиқиб, 2019 йил 21 январ куни ўтказилган жамият кузатув кенгашининг йиғилишида жамият ижроия органи раҳбари (директор) лавозимига танлов эълон қилиш, ушбу ҳақда тегишли ташкилотларга маълумотлар тарқатиб, эълонни жойлаштириш чораларини кўриш, танлов муддатларини белгилаб, танлов ҳайъати аъзоларининг таркиби тасдиқдан ўтганлигини таъкидлаб, бугунги йиғилишга танлов ҳайъати аъзолари томонидан тайёрланган Хулоса билан кенгаш аъзоларини таништирди ва ушбу хулоса юзасидан ҳамда ҳайъат аъзолари томонидан бажарилган ишлар юзасидан тўлиқ тушунча олиш мақсадида йиғилишга таклиф этилган ҳайъат аъзоси раиси, жамият кузатув кенгаши аъзоси Т.Иброхимовга берилди.

Т.Иброхимов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4720-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда 2016 йилда ўтказилган

акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан жамият уставига “жамият ижроия органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади” деган банд киритилганлиги инобатга олиниб, жамият ижро этувчи орган раҳбари лавозимига муносиб кадр танлаш мақсадида танлов ўтказилиб, ижро этувчи орган раҳбари лавозимига нисбатан кўйилган малака талаблари кўрсатилган ҳолда жамиятнинг веб сайтига эълон жойлаштирилганлиги, матбуотга эълон берилганлиги, корпоратив ахборот ягона портали (openinfo.uz) эълон жойлаштирилганлиги, ва махсус ташкил этилган сайтга (www.soejobs.gkk.uz) жойлаштириб беришни сўраб, Давлат активларини бошқариш марказига хат ва эълон матни электрон кўринишда берилиб, эълон жойлаштирилганини билдирди.

Т.Иброхимов ўз сўзида танлов 2019 йил 21 январдан – 2019 йил 05 феврал кунига қадар давом этганлигини ва шу муддат ичида битта номзоддан таклиф тушганлигини айтиб ўтди:

1. Файзуллаев Шухрат Исматуллаевич - жамият директори вазифасини бажарувчи (объективка илова қилинади).

Кенгаш аъзолари хайъат аъзолари томонидан тайёрланган хулоса билан танишиб чиқиб, хайъат раиси Т.Иброхимов томонидан берилган маълумотни қабул қилишди ва жамият директорини сайлаш жамият уставининг 14.4.22 бандига мувофиқ Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилиши белгиланганлиги боис ҳамда Ш.Файзуллаевнинг жамиятни ривожлантиришга доир бажараётган ишларидан келиб чиқиб, уни 2019 йил 06 февралдан жамият директори этиб сайланишини маъқуллашди.

Кенгаш аъзолари ўртасида муҳокама бўлиб ўтди.

Муҳокамадан сўнг,

КЕНГАШ ҚАРОР ҚИЛДИ.

1. “Қуйлиқ деҳқон бозори” АЖ ижроия органи раҳбари (директор) лавозимига ўтказилган танлов якунлари бўйича тайёрланган хайъат аъзоларининг хулосаси қабул қилинсин.
2. Танлов хулосасига асосан битта номзоддан тушган таклифдан келиб чиққан ҳолда, ушбу номзод, яъни Файзуллаев Шухрат Исматуллаевич 2019 йил 06 февралдан жамият директори этиб сайлансин.
3. “Қуйлиқ деҳқон бозори» АЖ директори Файзуллаев Шухрат Исматуллаевич билан ўрнатилган тартибда меҳнат шартномаси тузилсин ва унинг ойлик маоши жамиятнинг амалдаги штат жадвалига мувофиқ белгилансин.
4. Жамият директори меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби, унга таътил бериш ва унинг ижтимоий таъминоти шартноманинг 7 бандида белгилан тартибда амалга оширилсин.
5. Жамият маъмуриятига ушбу қарордан келиб чиқиб, тегишли ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

6. Жамият директори Ш.И.Файзуллаевга бозор фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосан юритиш вазифаси юклатилсин.

Мажлис раиси



Ф.Нигманов


Мажлис котиби



О.Ким

Кузатув кенгаши аъзолари:

И.Алимов



М.Кодиров



М.Турабеков



Т.Камолов



М.Каримов



Т.Иброхимов

